ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРАЙЛИК, ЙИҒИМ-ТЕРИМГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРАЙЛИК

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 162 (4878).

17 АВГУСТ ЖУМА 1973 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.



Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхозида мўл ҳосил учун кураш давом эттирилмоқда. Колхоз правленеси ва партия ташкилоти дала ишларини шу кун талаб даражасида амалга ошириш тадбирларини кўрмоқдалар. Ғўзалар кеча-кундуз қондириб суғорилмоқда. Бу ишда илғор сувчи Сайдали Пардабеков ғайрат кўрсатиб меҳнат қилиб, белгиланган нормани ошириб бажармоқда. Суратда: С. Пардабеков.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗЛАРИ, СОВХОЗЛАРИ ВА ТАЙЁРЛАШ ПУНКТЛАРИНИНГ 1973 ЙИЛ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТЕРИШ ВА ТАЙЁРЛАШГА ҲОЗИРЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шуни таъкидлайдиларки, республика қишлоқ хўжалик меҳнатчилари беш йилликнинг учинчи йилида деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун бошланган бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, 4 миллион 750 минг тонна пахта етиштириш ва давлатга сотиш, камида 2,5 миллион тонна пахтани машинада териш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун зўр ғайрат билан кураш олиб бормоқдалар.

Кўпгина колхоз ва совхозларда ғўзани парвариш қилишнинг агротехника тадбирлари комплекслари ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ўтказилганлиги натижасида ғўза яхши ривожланиб, мўл ҳосил тез тўпланмоқда.

Кўпгина хўжаликлар ғўза парвариши соҳасида ғайрат камарини боғлаб ишлаш билан бирга янги ҳосил пахтасини теришга ва давлатга топширишга ҳар томонлама тайёргарликни авж олдириб юбордилар.

Шу билан бирга бир қанча хўжаликлар ва районларда, айниқса Когон, Уйчи, Пайариқ, Фарғона, Ғузор, Хазарасп, Тахтакўпир, Пискент, Гагарин ва бошқа районларда ғўза парвариши соҳасида катта нуқсонлар ва камчиликлар бор — ғўзани суғориш, культивация қилиш ва бошқа агротехника тадбирлари, қишлоқ хўжалик заракунандаларига қарши кураш кечиктириб юборилмоқда, натижада ғўзалар ривожланишдан орқада қолмоқда.

Кўпгина хўжаликларда янги ҳосилни териб олишга тайёргарлик иши ҳали бошланган эмас, пахтаси машинада териладиган участкалар ажратиб бўлинмаган, асфальтланган майдончалар, бостирмалар, саройларни, топ-тороз хўжалигини тайёрлаш, «УСС—1» қатламли сушилкаларни қуриш ва монтаж қилиш пайсалга солинмоқда.

Айниқса Хоразм, Сирдарё областларида ва Қорақалпоғистон АССРда пахта териш техникасини ремонт қилиш сусткашлик билан олиб борилмоқда. Хўжаликларда ҳам, «Ўзсельхозтехника» устахоналарида ҳам пахта териш техникасини сифатсиз ремонт қилиш фактлари учраб турибди. Пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиларини тайёрлаш етарли равишда авж олдирилгани йўқ.

Тайёрлов пунктлари ва пахта заводларини янги пахта ҳосилини қабул қилиш ва қайта ишлашга тайёрлаш орқада қолмоқда. «Союзхлопкомаш» пахта заводларини ва қуритиш—тозалаш цехларини ремонт қилиш учун керакли запас қисмларни, юкортиш—туширыш ишларини механизациялаш воситалари ва пахта заводларининг технология асбоб-ускуналарини етказиб беришни кечиктириб юбормоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳисоблайдиларки, бу йил пахта баркат ривожланаётганлиги муносабати билан колхоз ва совхозларни, тайёрлов пунктлари ва пахта заводларини яхши пахта ҳосилини қабул қилиш ва қайта ишлашга тайёрлаш жуда уюшқоқлик билан ўтказилиши ва ғоят қисқа муддатларда тугалланиши лозим.

Қабул қилинган қарорда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР совхозлар министрлиги, Ўзбекистон ССР тайёрлаш министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой», «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси ва уларнинг жойлардаги органлари, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари зиммасига, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари зиммасига ғўзани ўсишдан тўхтатгунга қадар намунали парвариш қилиш бунда ривожланишдан орқада қолган ғўзаларга алоҳида эътибор бериш, шу тариқа ҳамма жойда ҳар бир колхоз ва совхоз, бўлим ва бригада ўз мажбуриятларини бажаришини таъминлайдиган мўл ҳосил тўплашни ташкил этиш юзасидан колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари ўртасида ташкилотчилик ишини кучайтириш вазифасини юклади.

Шу билан бирга пахтани териш ва давлатга топшириш учун тайёргарлик ишларини тезроқ тугаллаш таъминлансин.

Шу мақсадда:

— Ҳар бир хўжаликда ва «Ўзсельхозтехника»нинг ҳар бир устахонасида пахта териш техникасини ремонт қилиш ва тайёрлашнинг аҳволини пухта назардан ўтказиш, ишларнинг суръатини кескин кучайтириш ва сифатини ошириш учун зарур чораларни кўриб, пахта ғериш машиналарини тайёрлаш ва тракторларга тиркаш ишини 25 августгача батамом тугаллаш, транспорт тракторларини, прицепларни ва пахта ортадиган механизмларни 30 августгача, тўкилган пахтани териб оладиган ва ғўза чувиш машиналарини 10 сентябргача, қурак узиш машиналарини 20 сентябргача батамом тахт қилиш учун зарур чораларни кўриш;

— пахта териш машиналарининг механик ҳайдовчиларини қишлоқ ҳунар-техника билим юртларида, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмаларида ва совхозларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни белгиланган муддатларда тугаллаш; пахта териш машиналарини икки сменада ишлатишни кўзда тутиб уларни механик ҳайдовчиларга ўз вақтида бириктириб қўйиш зарур.

— колхоз ва совхозларнинг пахта териш техникасига пахта ҳосили терими даврида «Ўзсельхозтехника» район бирлашмаларининг ва хўжаликларнинг созловчи усталари кучи билан ихтисослаштирилган техникавий хизмат кўрсатиш кенг кўлланилсин;

— пахтаси машинада териладиган пайкалларни ажратиш 20 августдан кечиктирилмай тугаллансин, пахта териш машиналарининг механик ҳайдовчиларига шу майдонлар бириктириб қўйилсин ва шу майдонлар 25 августгача бегона ўтлардан батамом тозалансин. Ҳосилнинг эрта етилишини таъминлаш ва пахта териш машиналарининг юксак унум билан ишлаши учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида қўшимча чоралар кўрилсин;

— ғўза баргини тўктириш ишларида банд бўлган самолётларга керакли аэродромлар 25 августгача тахт қилиб қўйилсин. Самолётларга ва аэродромларга хизмат қилувчи сигнал берадиган ва ишлаб чиқариш ходимлари кадрлари шай ҳолга келтирилсин;

— пахта териш машиналарига техникавий хизмат қилиш ва уларга механизм ёрдамида ёнилғи қуйишнинг ҳамма мавжуд воситалари тайёрлаб қўйилсин ва улар ходимлар билан таъминлансин;

— ҳамма колхоз ва совхозларда асфальтланган майдончаларни, бостирма-саройлар, автомобиль торозилар ва бошқа тарозилар, автомобиль транспорти, йўллар ва кўприкни тайёрлаш 25 августгача тугаллансин;

— колхоз ва совхозлардаги нефть хўжалигини тайёрлаш яқин кунларда тамомлансин ва пахта теримидаги техниканинг узлуксиз ишлаши учун улар ёнилғи-мойлаш материаллари билан барвақт таъминлаб қўйилсин. Хўжаликларда нефть маҳсулотларининг асралиши ва тежаб-тергаб ишлатилиши устидан қаттиқ контроллик ўрнатилсин.

Ўзбекистон ССР «Главнефтеснабсбит»и ёнилғи-мойлаш материалларининг ҳамма фондларини ўз вақтида ва узлуксиз таъминлаб турсин;

— 20 августдан 30 августгача бўлган даврда районлар ва хўжаликлар ўртасида пахта теримига тайёргарлик ўзаро текширишдан ўтказилсин, бунда пахта териш техникасининг тайёрланиш сифатига, механизатор кадрларни танлаш ва тайёрлашга алоҳида эътибор берилсин. Текшириш давомида аниқланган ҳамма камчиликларнинг жуда тез тугатилиши таъминлансин;

— пахта теримчиларига, пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиларига, ғўза баргини тўктириш ишида банд бўлган самолётларнинг экипажларига нормал маиший ва санитария-гигиена шароитларини яратиб бериш учун зарур чоралар кўрилсин, бунинг учун ётоқхоналар ва дала шийпонлари ремонт қилиниб, ободонлаштирилсин, овқат пишириш ва яхши сифатли ичимлик сув билан таъминлаш учун ҳамма шароитлар яратиб қўйилсин, колхоз ва совхозлардаги мактабгача тарбия, барча болалар муассасаларининг нормал ишлаши йўлга қўйилсин.

1 октябргача бўлган муддатда мавжуд пахта сушилкалари ремонтдан чиқарилсин, табақали «УСС—1» сушилкалари қурилиб, монтаж қилинсин, ҳамма сушилкалар зарур миқдордаги ёқилғи билан барвақт таъминлансин.

«Ўзсельхозтехника» бирлашмаси ремонт корхоналарини, колхоз ва совхозларни жамики пахта теримга техникасини ўз вақтида тайёрлаш учун зарур бўлган запас қисмлар ва ремонт материаллари билан таъминлаш учун қўшимча чораларни кўриши, дефолиантларни ўз вақтида ташиб олишни ва «УСС—1» сушилкаларини қуриб битказиш ва монтаж қилиш учун керакли асбоб-ускуналарни етказиб беришни таъминлаши лозим.

«Главхлопкомаш» пахта териш техникасини ремонт қилиш учун керакли запас қисмларни уччала квартал фондлари ҳисобидан етказиб беришни жадаллаштириш мақсадида зарур чораларни кўриши, шунингдек, «Ўзсельхозтехника»га етишмай турган запас қисмларни қўшимча равишда етказиб бериш масаласини кўриб чиқиши лозим.

Республика колхоз ва совхозлари камида 2,5 миллион тонна пахтани машинада териш юзасидан олган мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини ва 650 минг гектар ерда пахта териш ишларини қўл меҳнати ишлатмай комплекс механизациялаш вазифасининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги ва совхозлар министрликлари Қорақалпоғистон АССР ва областларнинг 2,2 миллион гектар ердаги ғўза баргини (қайта дорилланган ерлар ҳам шу ҳисобга киради) терим олдидан тўктириш таклифлари қабул қилинсин ҳамда ғўза баргини тўктирадиган самолётларни юбориш плани тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги ва совхозлар министрликлари ва уларнинг жойлардаги органлари, илмий муассасалар ва областлардаги тажриба станциялари, колхоз ва совхозларнинг мутахассислари кучи билан ғўза ривожининг аҳволига қараб, ҳар бир хўжаликда ғўза баргини тўктиришнинг табақалаштирилган муддатлари ва графиклари белгилансин. Шароит имкон берган жойларда ғўза баргини тўктиришнинг тракторга ўрнатилган аппаратларидан кенг миқёсда фойдаланиш назарда тутилсин.

Қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари пахта териш машиналари айланадиган карталарнинг четлари ва айланиш полосаларини илгарироқ дорилашни таъминлаш ишлари ва ғўза баргини тўктиришга доир ҳамма ишларнинг сифати устидан жуда қаттиқ контроль ўрнатишлари лозим.

Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармаси зарур миқдордаги самолётларни юборсин ва юборилган ҳамма самолётлар дефолиантлар эритмасига қўшиладиган материаллар билан таъминлансин. Самолётлар экипажларининг командирларидан далаларга дефолиантларни сочишнинг белгиланган қондаларига қаттиқ риоя этиш, ишларнинг юқори сифатли бўлишини ва самолётлардан юксак унум билан фойдаланилишини таъминлаш талаб қилинсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Министрлар Совети Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министрлиги, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари зиммасига ҳар бир пахта заводида ва тайёрлаш пунктида ремонт ишларининг аҳволини кўриб чиқиш ҳамда тайёрлов пунктлари ремонтини 25 августгача, пахта заводлари ремонтини 1 сентябргача ва қуритиш-тозалаш цехлари ремонтини 15 сентябргача тугаллаш учун зарур чораларни кўриш вазифасини юклади.

Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министрлиги ва Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлиги 1973 йил пахта ҳосилини тайёрлаш пунктларидан пахта заводларига ўз вақтида ташиб олишни таъминлаш чораларини кўриб, бунинг учун махсус пахта ташиш автомобилларининг ҳаммасидан тўла-тўкис фойдаланишлари керак.

«Союзхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси пахта заводларига ва қабул қилиш пунктларига технология асбоб-ускуналарини ремонт қилиш учун керакли запас қисмларни, механизациялаш воситаларини ва чигитни туксизлантирувчи «4-СОМ» машиналарни тезроқ етказиб бериш қатъий чораларини кўриши зарур. Ўзбекистон ССР Главснаби «Союзхлопкомаш» билан биргаликда унинг корхоналарини материал-техника билан таъминлаш масалаларини кўриб чиқсин ва етишмай турган материалларни уларга тезроқ етказиб бериш учун қўшимча чораларни кўрсин.

Область, шаҳар партия комитетларига ҳамда саноат корхоналари ва қурилишларнинг партия ташкилотларига пахта териш техникасини ва қуритиш-тозалаш цехларини ремонт қилишда, пахта териш ва тайёрлаш даврида уларга техникавий хизмат кўрсатишда колхозларга, совхозларга ва тайёрлаш пунктларига оталиқ ёрдами беришни ташкил этиш топширилди.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги, совхозлар ва пахта тозалаш саноати министрликлари:

— уруғлик учун экилган пахтани дала шароитида ўз вақтида ва юқори сифатли синаб кўришни ташкил этишлари, унинг натижаларига қараб уруғлик пахтаня териш ва топшириш вазифасини белгилашлари;

— уруғчилик колхозлари ва совхозлари, Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалиги министрлиги, область ва район қишлоқ хўжалиги бошқармалари, совхозлар трестлари ва тайёрлаш шоҳобчаси агрономия ходимларининг куч-ғайратларини уруғлик пахта сифатини ошириш учун курашга сафарбар қилишлари;

(Давоми 2-бетда).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ОЛМАОТАДА БЎЛИШИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Д. А. Кунаев 16 августда Медео деган жойни бориб кўрдилар.

СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари З. Н. Нуриев, СССР тайёрлаш министри Г. С. Золотухин, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси С. Б. Ниёзбеков, республика Министрлар Советининг раиси Б. А. Ашимов улар билан бирга бўлишди.

Д. А. Кунаев билан Б. А. Ашимов ўртоқлар ўртоқ Л. И. Брежневга Олмаота меҳнаткашлари, винокорлар, қурилиш-монтаж ташкилотлари ва ҳарбий қўшилмаларнинг қилган ишлари тўғрисида сўзлаб бердилар. Уларнинг қаҳрамонона меҳнати сел тошқини вақтида шаҳар бошига тушган хавф-хатарни тугатди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев селга қарши тўғонни янада мустаҳкамлашда ишлаётган мутахассислар ва қурувчилар билан суҳбатлашди. У республикада ишлаб чиқилган селга қарши ҳимоя ишлари лойиҳасини маъқуллади.

Л. И. Брежнев, Д. А. Кунаев, С. Б. Ниёзбеков, Б. А. Ашимов ўртоқлар қурилиш тугаган Медео муз стадионини кўздан кечиришаётган пайтда уларни шу яхмалакда машқ қилаётган Совет Иттифоқи ва жаҳон чемпионлари Ирина Роднина билан Александр Зайцев ҳамда бошқа спортчилар табриклашди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИДАН

ЧЕКАНКА ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Ўзбекистондаги 1,7 миллион гектар ерда ғўза чеканка қилинди. Ҳосилнинг пишиб етилишини, кўсакларнинг шаклланишини тезлаштирадиган бу муҳим агротехника усулини бу йил республика хўжаликлари ана шунча майдонда ўтказишни планлаштирган эдилар. Пахтазорда минглаб машиналар ишлатилганлиги туфайли ғўзанинг ўсадиган қисми учини чилпишдек сермеҳнат иш жадал ўтказилди. 385 минг гектар, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100 минг гектар кўп ердаги ғўза учи механизмлар ёрдамида чилпиб чиқилди. Машиналардан кенг фойдаланганлиги Сурхондарё областининг колхоз ва совхозларига Ўзбекистоннинг бошқа хўжаликларидан олдин ғўзани чеканка қилишни тугаллаш, шу иш планини учдан бир ҳисса ошириб бажариш, 232 минг гектар ердаги ғўзанинг учини чилпиш имконини берди.

Ғўзани чеканка қилиш давом этмоқда. (ЎзТАГ).

МУСОБАҚА ЯКУНЛАРИ

Тошкент область ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети президиуми область коммунал хўжалиги корхоналарини шу йилнинг иккинчи квартали социалистик мусобақасининг якунларини қараб чиқди.

Шу нарса таъкидландики, кўпгина коллективлар тўққизинчи беш йиллик учинчи ҳал қилувчи йили план топшириқлари ҳамда ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, яхши натижаларга эришдилар.

Ангрен шаҳар турар-жой, коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш бошқармаси коллективи иккинчи кварталда энг яхши натижаларни қўлга киритиб, хизматнинг ҳамма турлари бўйича асосий кўрсаткичларни ошириб бажарди.

Область ижроия комитети ва касаба союзлар Совети президиумининг Кўчма Қизил байроғи ҳамда 2 минг сўмлик пул мукофотини Ангрен шаҳар турар-жой, коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш бошқармаси коллективига беришга қарор қилинди. Байроқ область ремонт-қурилиш трестидан олиб бернлади. Шунингдек, қарорда мазкур трестнинг иккинчи кварталда яхши ишлаганн қайд этилди. Юқоридаги мукофотнинг 60—70 процентини социалистик мусобақада энг яхши натижаларга эришган ишчи, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга бериш, қолган қисмини эса социал маданий тадбирларни амалга ошириш учун ажратишга қарор қилинди.

АГРЕГАТЛАР ТАХТ

Яқинда газетамизда Янгийўл районидаги Жданов номли колхоз пахтакорларининг ҳосилга ҳосил қўшишни давом эттириш ва йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўриш юзасидан белгилаган тадбирлари эълон қилинган эди. Бу хўжалик аъзолари ўзлари белгилаган тадбирларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш мақсадида барча участкаларда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Колхозда ғўза парвариши давом эттирилиши билан бирга терим машиналарини мавсумга тахт қилиб қўйиш ишлари охирига етказилаётир. Суратда: ремонтдан чиққан пахта териш машиналари.

А. Абалян фотолари.



РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗЛАРИ, СОВХОЗЛАРИ ВА ТАЙЁРЛАШ ПУНКТЛАРИНИНГ 1973 ЙИЛ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТЕРИШ ВА ТАЙЁРЛАШГА ҲОЗИРЛИГИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

— синаш учун экилган далалардаги уруғлик пахтани қўлда бир икки галда териб олишни йўлга қўйишлари ва ғўзадаги 3—4 кўсак пишиб етилгандагина теримга киришишлари лозим. Элита ва биринчи репродукция учун экилган уруғлик пахтани териб олиш олдидан далаларда вилт босган ғўзалар юлиб ташлансин, иккинчи ва учинчи репродукция пахтазорларида вилт ва гоммоз тушмаган соғлом ғўзаларнинг ҳосилини синчиклаб алоҳида териб олиш таъминлансин. Намлиги ортиқ бўлган уруғлик пахтани териш ва қабул қилиш тақиқлансин.

Уруғлик пахтани қўлда терганда саноатбоп пахтани териш учун қабул қилинган нормадан 20—25 процент кам иш нормасини белгилаш совхозларнинг директорлари зиммасига юклансин ва колхозларнинг правлениеларига тавсия этилсин.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрлиги, совхозлар министрлиги ва пахта тозалаш саноати министрлиги СССР давлат стандартларининг республика бошқармаси ва Тошкентдаги «Эталон» заводи пахта заводларида, тайёрлаш пунктларида, колхозлар ва совхозларда ўлчов асбобларини ремонтдан чиқариш ва тамгалаб қўйиш ишларини 25 августга қадар тугаллашлари лозим.

Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министрлиги ва «Узсельхозтехника» бирлашмаси ажратилган фондлар бўйича фартукларни ва коп-қанорларни республика колхозлари ва совхозларига ўз вақтида етказиб беришни таъминлашлари лозим.

«Узбекбирлашув» пахта териш ва тайёрлаш мавсумида қишлоққа зарур бўлган безмен торозиларни, пахтани қуритиш учун керакли кўмирни, шунингдек кийим-кечаклар, пойафзалларни, озиқ-овқат маҳсулотларини ва бошқа молларни зарур миқдорда ўз вақтида етказиб бериши керак.

Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат министрлиги безмен торозиларни ишлаб чиқаришдаги қолоқликни тугатиш ва 1973 йил фондлари бўйича шундай тарозиларни етказиб беришни тезлатиб юбориш чораларини кўриши керак.

Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги республиканинг сизот сувлари ер бетига яқин бўлган районларида пахтанинг етилишини тезлаштирадиган зарур мелиорация тадбирларини Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги ва совхозлар министрлиги билан бирга ишлаб чиқиб, 10 сентябрга қадар амалга ошириши лозим.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги ва совхозлар министрлигига, «Главсредазирсовхозстрой»га пахта теришда ишлаётган механизаторларни, ишчилар ва колхозчиларни моддий рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқиб, колхозлар ва совхозларга тавсия қилиш топширилди.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги, совхозлар министрлиги, пахта тозалаш саноати министрлиги ва тайёрлаш министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой», область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари қўлда ва машинада терилиб давлатга топширилаётган пахтанинг сифатини оширишни таъминлайдиган қатъий чораларни кўришлари лозим. Пахтани териб давлатга топшириш, етилмаган пахтани теришга йўл қўймаслик ва пахтага хас-чўплар аралашиб кетишининг, мой ва бошқа нарсалар тегиб ифлосланишининг олдини олиш қондаларини барча колхозларда ва совхозларда кенг тушунтириш ишларини олиб бориб, бу тўғрида колхозчиларга ҳамда совхоз ишчиларига йўл-йўриқ кўрсатиб бериш керак.

Машинада терилган пахтанинг ифлосланиши камайтирилганлиги учун тўланадиган устама пулнинг 50 процентидан пахтани машинада теришда бевосита қатнашаётган ҳамда давлатга юқори сифатли пахта топширишни таъминлаётган ходимларни мукофотлаш учун фойдаланиш борасида белгилаб қўйилган тартибни механизаторларга, барча колхозчиларга ва совхозларнинг ходимларига кенг тушинтириш ҳамда бу мукофот пуллари тўғри тўланаётганлиги устидан контрол ўрнатиш зарур.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, совхозлар министрлиги, пахта тозалаш саноати министрлиги, автомобиль йўлларини қуриш ва ишлатиш министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари автомобиль йўлларини ва кўприкларни, колхозларга, совхозларга ва тайёрлаш пунктларига олиб борадиган йўлларни 20 августга қадар ремонтдан чиқариб қўйишлари керак.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари ёнғин хавфидан сақланиш ҳамда давлат ёнғин назорати органлари тавсия қилган тадбирларни бажариш қай аҳволда эканлигини 25 августга қадар барча колхозларда, совхозларда ва тайёрлов пунктларида текшириб чиқишлари лозим.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигига колхозчиларга, совхоз ишчиларига, пахта териш ва тайёрлаш ишида банд бўлган кишиларнинг ҳаммасига намунали хизмат кўрсатишни таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

Область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва совхозлар министрлиги ҳамда уларнинг жойлардаги органлари пахта териш бошланган кунданоқ колхозлар ва совхозлардаги ишга яроқли кишиларнинг ҳаммасини пахта теримига чиқариш тадбирларини касаба союз ташкилотлари билан биргаликда ишлаб чиқиб, амалга оширишлари, пахта териш машинасида ишлаётган ҳар бир механик-ҳайдовчининг, ҳар бир теримчининг кундалик нормани тўла ва ошириб бажаришга учун социалистик мусобақани авж олдириб юборишлари керак.

Ўзбекистон Комсомоли Марказий Комитети механик-ҳайдовчиларни, пахта териш техникасини тайёрлаб тахт қилиб қўйишда ҳамда янги ҳосил пахтани териб олиш ва тайёрлаш ишларини ҳозирлаш ва ўтказиш бўйича социалистик мусобақани кенг авж олдиришда комсомол ташкилотларининг актив қатнашувини таъминлаши лозим.

Қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчилари ҳамда хизматчилари касаба союзининг республика, область ва район комитетлари совхоз ишчиларининг, колхоз ва совхоз механизаторларининг меҳнатига ҳақ тўлаш борасида белгилаб қўйилган тартибнинг тўғри қўлланилиши ҳамда пахта теримида иш ҳақи тўлаш бўйича ҳисоб-китобнинг ўз вақтида қилиниши устидан контролликни, шунингдек дефолиантлар билан ишлаш чоғида хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоидаларига риоя қилиниши устидан контролликни ҳамда пахта териш техникасидан, механизмлардан ва электр ускуналардан фойдаланиш хавфсизлиги устидан контроллик ўрнатилишини таъминлашлари зарур.

Пахтани тез суръатлар билан териб ва юқори сифатли қилиб давлатга топширганлик учун Қорақалпоғистон АССРни, областларни, районларни, колхозларни, совхозларни, илғор механизаторларни ва теримчиларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Республика Министрлар Советининг:

а) Қорақалпоғистон АССР ва областлар учун—иккита кўчма қизил байроғи;

б) Районлар учун — тўртта кўчма Қизил байроғи, шулардан бири пахтанинг ингичка толали навларини давлатга топшираётган районларни рағбатлантириш учун ва битта кўчма қизил байроқ қўриқ районларни рағбатлантирмоқ учун;

в) совхозлар учун — иккита кўчма қизил байроғи, шулардан бири қўриқ совхозларни рағбатлантирмоқ учун.

г) колхозлар учун — битта кўчма қизил байроғи таъсис этилади.

Кўчма қизил байроқлар сентябрнинг биринчи ўн кунлигидаги иш натижаларини якунлашдан бошлаб ҳар 10 кунда бир мартадан берилиб туради. Қизил байроқларни бериш чоғида планнинг бажарилиши, тайёрлаш суръатлари, тайёрланган пахтанинг сифати, машинада терим планининг ҳамда уруғлик пахтани териш ва топшириш планининг бажарилиши ҳисобга олинади.

Ингичка толали пахта етиштириш плани ҳам бўлган Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё областларида, районлар ва совхозларда қизил байроқларни бериш чоғида ингичка толали пахта тайёрлаш планининг бажарилиши ҳам ҳисобга олинади керак.

Қизил байроқлар берилиши билан бир вақтда илғор хўжаликларга сотиш учун Қорақалпоғистон АССРга ва областларга иккитадан юк автомашинаси, пахта териш машинасида ишлаб, меҳнат унумдорлигини оширишда ва пахтани сифатли қилиб теришда энг яхши кўрсаткичларга эришган механик-ҳайдовчиларга сотиш учун тўрттадан енгил автомашина ҳамда пул билан мукофотламоқ учун 2 минг сўмдан пул ажратилади. Районларга, илғор хўжаликларга сотиш учун биттадан юк автомашинаси, энг яхши механик-ҳайдовчиларга сотиш учун иккитадан енгил автомашина ҳамда илғорларни мукофотламоқ учун 500 сўмдан пул ва колхозларга — энг яхши механик-ҳайдовчиларга сотиш учун биттадан енгил автомашина ҳамда илғорларни мукофотламоқ учун 300 сўмдан пул ва колхозларга энг яхши механик-ҳайдовчиларга сотиш учун биттадан енгил автомашина ва илғорларни мукофотлаш учун 200 сўмдан пул ажратилади. Мазкур енгил автомашиналар пахта териш машиналарининг энг яхши механик ҳайдовчиларига матлубот кооперацияси йўли билан бозорга ажратилган фонддан олиб сотилади.

Қизил байроқлар Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг, Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлигининг, Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигининг, Ўзбекистон ССР Марказий Статистика бошқармасининг ҳамда қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчилари ва хизматчилари касаба союзи республика комитетининг тавсиясига биноан берилади.

Область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига пахта теришда илғор бўлган районларга, колхозлар ва совхозларга топшириш учун кўчма қизил байроқлар таъсис этиш, шунингдек ғўзани дефолиация қилишда қатнашган самолётларнинг экипажларини рағбатлантириш чораларини кўзда тутиш тавсия қилинди.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, ЎзТАГга, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг телевидение ва радио эшитириш давлат комитетига пахта терши ва тайёрлашга қандай ҳозирлик кўрилаётганлигини, янги ҳосилни терш ва тойшириш қандай ўтаётганлигини газета саҳифаларида, телевидение ва радио орқали тўлароқ ёритиб туриш топширилди.

Республика газеталарининг саҳифаларида ҳурмат тахтаси таъсис этилади, пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин бажарган областлар ва районлар ҳурмат тахтасига ёзилади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети партия, совет, қишлоқ хўжалик, тайёрлаш, комсомол ва касаба союз органлари, колхозлар ва совхозлар, барча қишлоқ меҳнатчиларини етиштирилган ҳосилни териб олишни уюшқоқлик билан ўтказадилар ва давлатга 4 миллион 750 минг тонна пахта сотиш тўғрисида беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилида олинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдилар, деб ишонч билдирадилар.

Тошкентдаги 30-техника билим юрти аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари учун ходимлар тайёрлайди. Жумладан, бу йил уни 460 тикувчи-бичиқчи, савдо ходими, фотограф ва сартарошлар битириб чиқди.

СУРАТДА: тикувчи Дилбар Қосимова амалий машғулот пайтида.

Р. Шамсуддинов фотоси.

(ЎзТАГ).

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ~ БЕШЙИЛЛИК ҚАНОТИ

ҲАМ ТЕЗ, ҲАМ АРЗОН

УН ТЕГИРМОНЛАРИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Республикамиз дон хўжалигини ривожлантиришда эришилган ютуқлар нон маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарувчи қувватларни тез суръатлар билан ривожлантириб боришни тақозо этмоқда. Бу вазифа, айниқса, Тошкент областидаги ун тегирмонлари учун алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу мақола авторлари реконструкция қилиш йўли билан улар бу корхоналарнинг қувватини ошириш масалалари ҳақида, бу муҳим халқ хўжалик тадбирининг иқтисодий афзалликлари ва техник жиҳатдан катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида фикр юритадилар.

Республикамизда Ўзбекистон Компартияси XVIII съезднинг пахта ва галла етиштиришни кўпайтириш бўйича белгиланган йўли муваффақиятли амалга оширилмоқда. Яқин-яқинларгача республикамиз ўз эҳтиёжи учун зарур бўлган галлани Совет Иттифоқининг бошқа областларидан келтирарди. Сўнгги вақтларда галлачиликнинг юксак суръатлар билан ривожланиши Ўзбекистонни яқин йиллар ичида галла билан ўз эҳтиёжини тўла қондирадиган ва ҳатто бошқаларга етказиб берадиган республикага айлантиради.

Саккизинчи беш йилликнинг охирги йилида галланинг ялпи ҳосили 748 минг тоннани ташкил этган бўлса, ўтган йили у 958 минг тоннага етди. Тошкент области деҳқонлари ҳам галлачиликни ривожлантиришда яхши натижаларга эришдилар. 1975 йилга келиб республикамизнинг суғориладиган ва лалмикор ерларида галла етиштириш 1 миллион 354 минг тоннага етказилади.

Ҳисоблаш шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон ун тортиш саноатида 1980 йилга келиб, бир кунда 2 минг 263 тонна унни ишлаб чиқарувчи қўшимча қувватлар фойдаланишга топширилиши керак. Бунга икки йўл — янги қурилишлар ёки мавжуд тегирмонларда техникани янгилаш йўли билан эришиш мумкин.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, деган эди Л. И. Брежнев КПСС XXIV съездида, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни мавжуд корхоналарни реконструкциялаш ва техник модернизациялаш йўли билан таъминлаш иқтисодий жиҳатдан фойдалидир.

Лекин сўнгги икки йил ичида республикамизнинг бирорта ҳам тегирмони реконструкция қилинмади. Ҳамон бу муҳим ишга қўл урилганича йўқ. Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлигининг капитал қурилиш бошқармаси фақатгина янги қурилишлар билан машғул бўлмоқда. Бизнингча, бундай бир ёқламаликка ҳотима бериш ва Тошкент областидаги 3 та тегирмонни биринчи навбатда реконструкция қилиш режаларини тузиш лозим.

Реконструкциянинг қандай афзалликлари бор? Бир кеча-кундузда қўшимча 560 тонна ун тайёрлаш учун қувватлар яратилади. Бунинг учун 5 миллион сўмлик маблағ сарфланади. Худди шундай қувватларни янгидан бунёд этилса бунга қараганда деярли уч баравар кўп, яъни 14 миллион сўм капитал маблағ сарфланади. Бунинг устига вақтдан ҳам ютилади. Янги объектлар қурилиши 3—4 йил давом этади, уларнинг қувватларини тўла ўзлаштириш учун ҳам бир йил вақт керак бўлади. Мавжуд тегирмонларни техник жиҳатдан янгилаш ишлари 4—6 ой мобайнида тугалланади. Корхоналарда тажрибали кадрларнинг бўлиши натижасида янги асбоб-ускунанинг 50—60 кунда тўла қувват билан ишлашига эришиш мумкин бўлади.

Реконструкциянинг бундан бошқа афзалликларини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Реконструкция бўйича ишлар ҳажмининг каттагина қисмини мавжуд цехларни тўхтатмасдан, ун ишлаб чиқариш давом этган ҳолда амалга ошириш мумкин. Асбоб-ускуналарни монтаж қилишни тугаллаш учун эса узоғи билан 60—80 кун керак бўлади. Бунга корхоналарни планли ремонт қилиш учун бир ой тўхтатиш ҳам киради. Бундай ҳисоб-китоблар «ГосНИИсредазпромзернопроект» институтининг тегирмонларни реконструкция қилиш бўйича дастлабки лойиҳа ечимларида баён этилган.

Реконструкция қилинишни биринчи навбатда мақсадга мувофиқ бўлган корхоналар орасида Тошкентдаги 1 ва 2-ўн комбинат (1-тегирмони назарда тутилади)ларининг борлиги бежиз эмас. Чунки уларда қўлланилаётган аксарият технологик жараёнлар янгиланишни тақозо этади. Бунинг устига реконструкция қилишнинг икки томонлама аҳамияти бор. Биринчи ун комбинати тегирмонларининг унумдорлиги кунига 120, 2-комбинат тегирмонларининг унумдорлиги эса 320 тоннагача кўпаяди, айни вақтда эскириб қолган барча асбоб-ускуналар модернизация қилинади.

Икки вазифани бир йўла ҳал қилиш имкониятининг борлиги республикамизнинг барча етакчи корхоналарида галлани тортишнинг прогрессив схемасини қўлланишни пайсалга солмасликни талаб этади. Ун сифатининг истеъмолчилар талабларига тўла жавоб берадиган даражагача етказиш имконини туғдиради.

Бу муҳим ишнинг янада бир муҳим томони бор. Ун тортишнинг тегирмонларда мавжуд бўлган ҳозирги схемаси юқори сортли (олий ва биринчи) ун чиқаришни техник жиҳатдан таъминламайди. Мамлакатимиздаги илғор тегирмон коллективлари юқори сортли унинг чиқишини 60 процентгача, шу жумладан биринчи сортлисини 20 процентгача етказишган. Тошкент корхоналарида эса юқори сортли ўн энг кўп деганда ялпи маҳсулотнинг 40—45 процентидан ошмаяпти. Юксак навли унинг чиқиши 5 процент даражасида бўлмоқда.

Унинг оқибатида галлани қайта ишлаш натижасида унинг жуда ҳам қимматли бўлган қисми —эндосперма составида бўлган унни куплаб олишнинг иложи бўлмаяпти. Фақатгина реконструкция қилингандан сўнг бу асосий сифат кўрсаткичини яхшилаш учун шароитлар яратилиши мумкин. Иккала тегирмонда бир кеча-кундузда 1325 тонна ҳажмда ун тайёрланаётган бўлса, унинг юқори навларини кўпайтириш ҳисобига ҳар йили қўшимча 6,4 миллион сўмликдан кўпроқ фойда олиш мумкин бўлади.

Иккинчи ун комбинатининг 1-тегирмонини реконструкция қилишнинг жуда кўп енгил томонлари бор. Бу ерда ун тортиш бўлимининг қувватини 445 тоннадан 765 тоннагача етказиш учун янги корпус қуришнинг ҳожати йўқ. Қўшимча асбоб-ускуналар дон тозалаш цехи эгаллаб турган майдонда ўрнатилиши мумкин. Бунинг ўрнига янги бино қуришга тўғри келади. Бу эса жуда арзон бўлиб, унга бор-йўғи бутун тегирмонни реконструкция қилиш учун кетадиган маблағнинг 8 процентидан камроғи сарфланади. **Демак, капитал маблағларнинг аксарият кўпчилик қисмини юксак унумли станоклар ва агрегатлар сотиб олиш ва уларни монтаж қилишга сарфлаш мумкин. Шундай қилинганда ҳар бир тонна ун ишлаб чиқарувчи қўшимча қувватларни яратиш учун одатдаги 14-16 минг сўм ўрнига бор-йўғи 5 минг сўм етади, холос.**

Асбоб-ускунаси янгиланган тегирмонлар техник имкониятлар кенгаяди. Аввало, галлани қайта ишлаш сифатини кескин яхшилаш мумкин бўлади. Галла тозалаш бўлимларида бўлиб-бўлиб намлаш ва қуритиш учун поток линиялари жорий қилинади.

Тошкент тегирмонларини реконструкция қилишда унни механик йўл билан ташишдан пневматик транспортировка қилишни қўллаш керак. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, пневматикани 1-ун комбинатида қўллашнинг цехларда чангни кескин камайтириш имконини беради. Натижада ишлаб чиқаришнинг санитария ҳолати тубдан яхшиланади.

Тошкент тегирмонларини реконструкциялашда ишчилар меҳнати ҳавфсизлигини яхшилашга алоҳида эътибор бериш лозим.

Тошкент ун комбинатлари маҳсулот ишлаб чиқариш планларини доим тўла ва ошириб бажариб келмоқдалар. Ана шу умумий ютуқлар соясида кўпинча галлани қайта ишлаш технологиясидаги йирик камчиликлар, цехларнинг янги техника билан етарли жиҳозланмаганлиги сезилмай туради. Аммо шароит бу тегирмонларни 1974 йилдан қолдирмай, реконструкция қилишни талаб этмоқда.

Реконструкция қилиниши биринчи навбатда лозим ва мақсадга мувофиқ бўлган тегирмонлар орасида Янгийўл тегирмонини алоҳида кўрсатиш керак. Бунинг учун етарли асос бор. Чунки Янгийўл тегирмони цехларини санитария ҳолати жуда кўнгилдагидек, технология интизомига қатъий амал қилинади, ишлаб чиқариш маданияти лозим даражада.

Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлиги ўтган йили лойиҳаловчиларга Янгийўл тегирмонини реконструкция қилиш планини ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берди. Бунинг учун қилинадиган ҳаражатлар нормативдагидан анча кам бўлиши аниқланганч, тегирмоннинг кунлик қувватини 120 тоннадан 200 тонна ун ишлаб чиқаришгача ошириш учун иш бошланганда бу топшириқ бекор қилинди. Ҳеч қандай асос бўлмаган ҳолда топшириқни бекор қилиш афсусланарли бир ҳолдир. Вақоланки, тегирмоннинг барча қаватларида қўшимча асбоб-ускуналар ўрнатиш учун бўш майдонлар етарли эди. Эски станокларни анча унумлилари билан алмаштириш ҳам айтарлик қийинчилик туғдирмасди. Бизнинг фикримизча министрлик ўз қарорини қайта кўриб чиқмоғи ва тегирмонни кенгайтириш ишларини бошлаб юбориши зарур.

Қисқа қилиб айтганда республикамиздаги, шу жумладан Тошкент областидаги ун тегирмонларини реконструкция қилиш иқтисодий жиҳатдан фойдали ва зарурийдир. Шундай қилинганда ун ишлаб чиқаришни янги тегирмонлар қуришдагига нисбатан 4-5 баравар кўпайтириш мумкин бўлади. Агар республикадаги тегирмонларнинг кунлик қувватлари шу йўл билан 560 тоннагача кўпайтирилса, 9 миллион сўмга яқин маблағ тежаб қолиниши мумкин. Ана шу иқтисодий самарининг ўзи тегирмонларни модернизациялаш ишларини жадал ва кенг кўламда бошлаб юбориш учун объектив асос бўла олади.

Е. И. МАРГОВСКИЙ,
«ГосНИИсредазпромзернопроект» институти Тошкент филиали технология бўлимининг катта мутахассиси.

Д. ПОЛЕВОЙ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси Любовь Герасимова ўз станокларида пландан ташқари юз минг метр газлама учун ип тайёрлади. У нормадаги 105 ўрнига 240 ўрчуққа хизмат қилиб, мамлакатда энг юқори кўрсаткичга эришди. Комбинат йигирувчилари Л. Герасимовадан ибрат олиб, йил бошидан буён топшириққа қўшимча суръатда сал кам 200 тонна калава ишлаб чиқардилар. Коллектив йиллик мажбуриятни бажарди.

(ЎзТАГ).

ВАҚТДАН ЎЗИБ

«Ташсельмаш» заводи кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш цехининг коллективига йиллик плани бажариш учун белгиланганидек, бир йил эмас, балки атиги етти ой талаб қилинди. Савдо тармоқларига 80 минг қийма қиладиган машина жўнатилди. Цех ишчилари қабул қилган оширилган планда бу йил 120 минг та ана шундай ошхона асбоблари ишлаб чиқариш кўзда тутилади. Цехнинг планда кўзда тутилган қуввати ҳозирнинг ўзидаёқ бир ярим баравар оширилди.

(ЎзТАГ).



Бирлашган нашриёт цехлари йил сайин кенгайиб, улар замонавий полиграфия машиналари ва ускуналари билан жиҳозланмоқда. СУРАТДА: нашриётнинг чуқур босма цехининг участкаларидан бирини кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

НОВАТОР ҲИССАСИ

«Узбекшахтострой» трестининг рационализаторлари бу йил ихтирочи ва рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш ҳисобига 140 минг сўм иқтисодий фойда олишга аҳд қилишган. Улар бу ваъдаларининг устидан чиқмоқдалар. Шу кунга қадар иш шароитини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш билан боғлиқ бўлган кўплаб таклифлар жорий қилинди ва 100 минг сўмдан кўпроқ фойда олинди.

Ф. ПЕТРОВ.

ЗЛОБИН ИЗДОШЛАРИ

«Главташкентстрой»га қарашли Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159—қурилиш трестида Николай Злобин методи асосида ишлаётган бригадалар жуда кўп. Бунга Т. Самигов, А. Отахонов, Х. Аюпов, Н. Мичулис, П. Асфандиёровлар бошчилик қилаётган бригадаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Шунингдек, 153-трестнинг Г. Зайниддинов раҳбарлигидаги бригадаси бунёдкорлари ҳам биринчилар қатори Злобин методи асосида ишлаб, янги-янги меҳнат ютуқларини қўлга киритмоқдалар.

Айни кунларда улар 20 — кварталда 120 оилага мўлжалланган 4 қаватли турар жой биносини қуришда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Бригада қурувчилари бу объектни тўртинчи кварталда муддатидан илгари пардозловчиларга топшириш ниятидалар. Шу сабабли ҳар бир бинокор ўзаро мусобақани кун сайин қизитиб, кунлик нормасини ошириб бажармоқда.

Тўққизинчи беш йиллиқнинг учинчи йилида бу бригада ишчилари 6 минг дона пишиқ ғишт, 8 куб метр тахта ва бошқа кўплаб қурилиш материалларини тежаш мажбуриятини олишган эди. Улар кўпчилик олдида берган ваъдаларининг устидан чиқмоқдалар. Шу кунга қадар 4 кубометр тахта, 4 минг дона ғишт ва кўплаб темир арматура тежаб қолинди. Қувончлиси шуки, меҳнат унумдорлиги ҳам сезиларли даражада ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда қурувчиларнинг ойлик иш ҳақи 150—160 сўмдан кам бўлмаяпти.

Коллективнинг бу ютуқларида ғишт терувчилардан Ўктам Юнусов, Собиржон Қосимов, пайвандчи Ғайбулла Ҳамроқуловларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Т. НАЖМИН.

ЯНГИЙЙЎЛ ШАҲРИДА ЯНГИ СТАДИОН



Яқинда Янгийўлда янги стадион қурилиб, ишга туширилди. Шу муносабат билан бу ерга спорт ишқибозларининг катта тантаналари бўлди, спортнинг кўпгина турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Суратда: стадионни тантанали суръатда очиш маросими.

А. АБАЛЯН фотоси.

САЛОМАТЛИК — БАРДАМЛИК ГАРОВИ

Бу бешинчи йилликда янгийўлликлар олдида енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бирмунча кўпайтириш, мавжуд корхоналарни қайта реконструкция қилиш вазифаси турибди. Бу катта ва масъулиятли вазифани бажариш учун ғайрат ва шижоат кўрсатиш, мавжуд резервларни сафарбар этиш, ишга ижодий ёндошиш талаб этилади.

Биз физкультура ва спортни меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим воситаси деб биламиз. Шаҳар партия ташкилоти физкультура ҳаракатининг тобора оммавий тус олиши, совет кишисининг маънавий қиёфасининг тўла шаклланиши, унинг ҳар жиҳатдан ривожланиб камол топиши, ижодий активлигининг ортиши, она-Ватанни ҳимоя қилишга ҳамиша тайёр ҳолда туриши учун барча тадбирларни амалга оширмоқда.

Шаҳар партия комитети бошланғич партия ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари меҳнаткашлар, айниқса, ёшларнинг физкультура ва спорт машғулотларига актив қатнашишлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб беришга катта аҳамият бермоқда. Ҳозирги кунда 37 та физкультура коллективларида 10 мингдан ортиқ киши машғулотларда қатнашмоқда. 1970 йилга нисбатан физкультурачилар сони 3,5 минг кишига кўпайди.

К. Данилов ва А. Малова (велосипед спорти) В. Колобов (енгил атлетика)лар СССР спорт мастери бўлдилар, А. Кравчук баскетбол бўйича мастерликка номзод нормасини бажарди. Гимнастикачилардан Е. Стрельцова ва А. Кан ўртоқлар мастерликка номзодлар программаси бўйича чиқишлар қилмоқдалар. Кейинги икки ярим йил давомида спортнинг ҳар хил турлари бўйича 7 мингдан ортиқ разрядлилар тайёрланди. Мебель фабрикаси коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи, шаҳар Советининг депутати А. Киселев физкультура ҳаракатининг энг яхши ташкилотчиси сифатида катта ишларни олиб бормоқда. Шунингдек, 2503-автоколонна ҳайдовчиси А. Маметов, нормал заводининг ишчиси Я. Валиев ва бошқа ўртоқлар энг яхши футболчилар сифатида шуҳрат қозонмоқдалар. Улар ишлаб чиқаришда ҳам бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Бу йилги область спартакиадасида бизнинг спортчиларимиз умумий тўртинчи ўринни эгалладилар. Шунингдек, волейболчиларимиз, баскетболчиларимиз, шахматчиларимиз ҳамда ГТО комплекси нормативлари бўйича янгийўлликлар иккинчи ва учинчи мукофотли ўринларни эгалладилар. Бу йил спортнинг олти тури: волейбол, баскетбол, қўл тўпи, енгил атлетика, стол тенниси ва шахмат бўйича шаҳар спартакиадаси ўтказилди. Бу мусобақада мебель фабрикаси, медицина ўқув юрти ва Янгийўл қурилиш-монтаж бошқармасининг терма коллективлари етакчи ўринларни эгалладилар.

Биохимия заводи (директори А. П. Шубин, физкультура инструктори Р. Сафьянов ўртоқлар) коллективининг спорт ва оммавий ишлари самаралари ҳам қувонарлидир. Бу ерда 25 жамоатчи инструктор, 26 судья, 60 разрядли спортчи бор. Ишчиларнинг умумий сонига нисбатан олинадиган бўлса спортчиларнинг салмоғи 36 процентни ташкил этади.

Янгидан реконструкция қилинган шаҳар «Спартак» стадиони янгийўллик спортчилар ихтиёрига бериб қўйилибди. Бу стадионни ободонлаштириш, жиҳозлаш ва янгилашда кўплаб корхоналар, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, олий ўқув юртлари, шаҳарнинг комсомоллари ва физкультурачилари қатнашдилар. 11 августда шаҳар стадионида Бутуниттифоқ физкультурачилар кунига бағишланиб катта спорт байрами ўтказилди.

Лекин стадион ва спорт заллари эга бўлиш — бу жойларда физкультура-оммавий ишларининг аҳволи қониқарли деган сўз эмас. Энг муҳими моддий-техника базасидан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш, меҳнаткашлар ўртасида физкультура ва спорт ишларини чинакам оммавий тус олдириш зарур.

Шаҳардаги пойафзал фабрикаси, медицина ўқув юрти, 2503-автоколонна коллективларида оммавий-спорт ишлари яхши йўлга қўйилган. Ана шу коллективларда физкультура ва спорт машғулотларида қатнашувчилар ишчиларнинг умумий сонига нисбатан 30 процентдан ортиқни ташкил этади.

Шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитети, халқ маорифи бўлими болаларни физкультура машғулотларига кенг жалб этиш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Мавжуд барча 14 та мактабда физкультура коллективлари тузилган. Уларда 5177 киши машғулотларда қатнашмоқда. 1972—1973 ўқув йилида 2 мингдан ортиқ спортчи разрядчи, 2727 ГТО нишондорлари тайёрланди.

Ўртоқ Б. П. Трошин ўқитувчилик қилаётган Чехов номли 13-мактаб физкультура коллективи шаҳардаги энг яхши коллективлардан ҳисобланади. Тўртинчи, ўнинчи синфларнинг 725 ўқувчисидан 655 ўқувчи ГТО нормаларини топириш учун стартларга чиқдилар. Ўтган ўқув йилида 300 дан ортиқ оммавий разрядларга эга бўлган спортчилар, 50 судья, 52 инструктор тайёрланди. Мактабда дарсдан ташқари вақтларда ҳам волейбол, баскетбол, спорт гимнастикаси, шахмат, мерганлик тўгараклари бўйича машғулотлар олиб борилади. Мактабнинг терма командаларни спортнинг ҳар хил турлари бўйича шаҳар мусобақаларида қатнашдилар. Шахматчилар ва теннисчилар мукофотли ўринларни эгалладилар.

Оммавий спорт ишларининг формаларини кўпайтиришда ГТОнинг янги Бутуниттифоқ комплекси катта роль ўйнамоқда. Бу комплекс тасдиқ қилинганидан буён унча кўп вақт ўтгани йўқ. Бироқ, бошланғич партия ташкилотлари, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари бу комплекснинг бош талабларини кенг тушунтирдилар, муҳим давлат вазифасини ҳал этишда ўзларининг ўринларини белгилаб олдилар. Машина йўллари қурилиши ремонти бўйича заводда янги ГТО комплексини жорий қилиш яхши бормоқда. Шунингдек, Янгийўл қурилиш-монтаж бошқармаси, 18-ПТУ коллективларида ҳам бу иш жонлантириб юборилди. Бу йил 3158 ўқувчи болалар ва қизлар ГТО нишондорлари бўлдилар.

Бироқ комплексни тарғиб қилиш ва уни жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳозирги қунимизнинг талабларига тўла жавоб бера олмайди. Корхоналарга борсанг, нормативларни топиришга даъват этувчи шиорларни камдан-кам учратасиз. Шаҳар партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари физкультура коллективлари ГТО комплекслари барча янгийўлликлар учун саломатлик ва бардамлик программаси сифатида хизмат этишини таъминлаш учун барча тадбирларни амалга оширишни ўзининг муҳим бурчи деб билади.

Шаҳар партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари СССР халқлари VI спартакиадаси ҳамда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига бағишланган бир қатор оммавий спорт тадбирларида қатнашишни мўлжалламоқдалар. Партия, совет, касаба союз, комсомол ва физкультура ташкилотлари бу шонли юбилейга тайёргарлик кўрар эканлар, физкультура ҳаракатининг чинакам оммавий тус олишини таъмин этиш учун зарур тадбирларни амалга оширадилар.

В. РИБАЛКО,
Янгийўл шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, Совет Иттифоқи Қаҳрамони.

ТОҒЛАРДА БОҒЛАР

Ғазалкент шаҳрининг шарқ томонини бутунлай эгалаб ётган баланд тоғларга тикилиброқ қарасангиз, биртекисда тизилиб турган дарахтлар элас-элас кўзга ташланади. Бу Чирчиқ ўрмон хўжалигининг боғлари.

Шаҳар чеккасидаги шу хўжалик идораси ҳовлисида ўтиганимизда хўжалик директори Ҳ. Носиров баланд тепаликларга ишора қилиб боғларни кўриб келишни таклиф қилди.

— Қалай, машинангиз янгими?— деб сўради у биз билан бирга шаҳардан чиққан шофердан.

— Янгиликка янгику-я, лекин уёққа чиқиб бўларми?

— Йўл қурганмиз,— тушунтира бошлади директор,— тўғри, йўл ҳали ҳозир тўла битгани йўқ. Тош-шағал ташияпмиз. Лекин ҳозир машина билан чиқса бўлади.

Биз тоғлардаги боғлар сари йўл олдик. Машина илон изи йўлдан тепаликларга шиддат билан кўтарила бошлади. Бир неча тепаликдан ошдик. Лекин олдинда яна тепаликлар бирбирига туташиб ётарди. Машина баланд тепалик бўйлаб кўндалангига юриб кетди. Пастда дов-дарахтларга бурканган Ғазалкент шаҳри худди кафтда турғандек кўринарди. Шаҳар кўчаларида юрган автомашиналар элас-элас кўзга ташланади.

Шаҳарнинг нариги томонида, водининг ўртасидан оқиб ўтувчи Чирчиқ дарёси қуёш нурида гўё кумуш камардай ялтираб кўринарди. Водининг ғарб томонидаги ёнбағирларда Сойлиқ, Хондайлиқ, Чимбойлик ва бошқа қишлоқлар довдарахтлар орасидан қорайиб кўзга ташланади. Қишлоқ атрофларидаги кенг экинзорлар ҳошияга ўхшайди.

Машина шиддат билан чапга бурилди. Йўл тепаликлар орасига кириб кетди. Ғазалкент шаҳри ҳам, Чирчиқ дарёси ҳам кўринмай қолди. Йўлнинг икки томонида тоғолча, олхўри ва бодом дарахтлари ўсиб ётарди. Улар қийғос мевага кирган. Бу тик қияликларда трактор билан кўндалангига пушта ва ариқ олиниб, қатор қилиб экилган меваларни кўриб, механизаторларнинг ишига тасанно дейсиз.

— Бульдозер билан пастдан туриб бир йўл очиб олинса нафоя, — тушунтира бошлади Ҳ. Носиров. — Сўнгра бульдозер тепаликни айланиб, кўндаланг юриб кетаверади. Шу йўл билан қиялиқда эни 2—2,5 метр келадиган узун майдонча ҳосил қилинади. Бу ерларга механизация воситасида дарахт кўчатлари ўтқазамиз. Бу ишда хўжалигимизнинг илғор механизаторлари А. Моисеенко, Я. Вотчель ва бошқа ўртоқларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Бу ерларда мева кўчатлари етиштириш билан бирга, анчагина миқдорда ем-хашак ҳам йиғиб олинмоқда.

Чирчиқ ўрмон хўжалиги кейинги йилларда давлатга 30 тоннадан ортиқ тоғолча, 10 тоннага яқин олхўри, 1—1,5 тонна бодом етказиб берянти. Хўжаликнинг биргина марказий участкасига 1500 гектар ер биркитилган. Шундан 630 гектар ерда боғ барпо қилинган. Бу участка боғбонлари бу йил давлатга 20 тонна тоғолча, 5 тонна олхўри, ва 1 тонна бодом етказиб бериш мажбуриятини олганлар.

Бу ерда ўзлаштириладиган ер жуда кўп, — дейди хўжалик директори, — боғларни 91 минг гектарга етказиш мумкин. Биз шу йилдан бошлаб йилига 5500 дона кўчат етиштирабошлаймиз. Шу йўл билан боғ майдонларини йил сайин кенгайтириб борамиз. Халқимизга кўплаб тоғ мевалари етказиб берамиз.

Б. ШОНАЗАРОВ.

МУСОБАҚАДОШ АКА-УКАЛАР

Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхознинг Алишан Хозяқов бошлиқ бригада аъзолари 35 ўрнига гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Яқинда ўзаро текшириш бригадаси аъзолари мусобақадош ака-ука механизатор Барот, Эргаш Бойназаровлар ишлаётган ерларни кўздан кечирдилар. Уларнинг иш сифатига юқори баҳо берилди. Бригада аъзолари қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш учун ғўза парваришини августнинг охиригача давом эттирамиз, дейишмоқда.

Г. ЮСУПОВ.

МОҲИР ЧЎПОН

Эргаш Ботиров Қурама тоғ боғирларида ўн уч йилдан бери ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда.

Пучуқ қирлиги аталмиш ерларда 900 бошдан зиёд қўй-қўзи ўтлаб юрибди. Ниёз Мирзоитов Эргаш аканинг шогирди. Устоз билан шогирднинг ишлари бу йил чакки бўлмади.

Совлиқлардан кўзи олиш, жун топшириш плани тўлди. Ҳар бир қўйдан 2 килограммдан ошириб жун қирқиб олинди. Ғўштга топширилган ҳар бош қўйнинг тирик вазни 50 килограммдан келди.

2-«Оҳангарон» совхозининг чўпони Э. Ботиров ана шундай самарали меҳнат қилмоқда.

Н. РУСТАМОВ.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА

Шимолий Корея халқи ўз озодлигининг 28 йиллигини нишонламоқда. Унча катта бўлмаган тарихий давр ичида мамлакат жуда кўп қийинчиликларга қарамай кўпгина ютуқларни қўлга киритди. Айниқса, бу ўзгаришлар ҳамма иш янгитдан бошланган жойда кўзга яққол ташланиб турибди. Соғлиқни сақлаш, медицина ривожи бунга аниқ мисол бўлаолади.

1945 йили Совет Армияси мамлакатни озод қилган пайтда Кореяда бор-йўғи тўққиз касалхона бўлган эди. Ҳар 10 минг аҳолига бир медицина ходими тўғри келарди. Мамлакатда фармацевтика саноати йўқ эди. Аспириндан тортиб, барча дори-дармонлар чет эл-дан сотиб олинарди. Миллий медицина кадрларини тайёрлаб берадиган бирорта ҳам ўқув юрти бўлмаган.

Мамлакат шимолида халқ ҳокимияти ўрнатилгач, аҳолига медицина хизматини ташкил этиш ҳукуматнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди. Биринчи галда малакали кадрлар керак эди. 1946 йили Пхеньян университетининг медицина факультети биринчи студентларни қабул қилди. Шундан кейин Хамхин ва Чҳонжин шаҳарларида медицина институтлари, ўрта медицина ходимлари тайёрлаб чиқарадиган бир неча ўн билим юртлари очилди. Шаҳарларда янги касалхоналар, қишлоқларда эса медицина ёрдами кўрсатиш пунктлари ишга туша бошлади.

1950 йили корейс халқининг тинч ҳаётига раҳна солинди. Империалист агрессорлар ва уларнинг Жанубий Кореядаги қўғирчоқлари қирғинлик урушини бошлаб юбордилар. Корея тупроғида бомбалар портлаётган, шаҳар ва қишлоқларнинг кули кўкка совурилаётган оғир пайтда КХДР ҳукумати мамлакатда бепул медицина хизматини жорий этди ҳамда ҳар бир қишлоқда амбулатория очиш тўғрисида қарор қабул қилди. Кўпчилик врачлар ва ҳамширалар жанг майдонида бўлган оғир шароитда Корея меҳнат партиясининг улкан сафарбарлик кучи билан граждан аҳолига кундалик ёрдам йўлга қўйилди. Шундай қилиб, мамлакатда оғир юқумли касалликларнинг пайдо бўлиш хавф-хатарига барҳам берилди.

Партия ва ҳукуматнинг халқ саломатлиги тўғрисида кўрсатаётган катта ғамхўрлиги натижасида бугунги кунга келиб, республикада чечак, вабо, ич терлама, энцефалит (бош миянинг яллиғланиши) каби касалликлар барҳам топди. Миллий фармацевтика саноати ишлаб чиқараётган дори-дармонлар миқдори ва тури йилдан-йилга кўпаймоқда. Европа медицинасида кенг фойдаланилаётган дорилар билан бир қаторда женьшень ва бошқа ўсимликлардан шарқ халқ медицинасида машҳур бўлган дорилар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Бу олти йиллиқда мамлакатда дори-дармон ишлаб чиқариш икки ярим баравар кўпаяди.

Халқ ҳокимияти йилларида корейс медицина ходимлари сафи ҳам анча ўсди. Улар орасида ўз соҳасини чуқур биладиган ва катта тажрибали мутахассислар жуда кўп. Бу соҳада уларга социалистик мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш органлари урушдан кейинги оғир йилларда жуда катта ёрдам бердилар. Республиканинг турли шаҳарларида совет Қизил Крести госпитали Венгрия, Чехословакия, Руминия госпиталлари очилди. Ёш корейс врачлари социалистик мамлакатларнинг юксак малакали мутахассислари билан қўлни-қўлга бериб ишладилар. Ёш корейс мединклари мустақил ишлашга тайёргарлик кўрар эканлар, улардан тажриба ва билим ўргандилар. Ҳозир халқ Кореясида 250 мингдан ортиқ врач ва ҳамшира бор.

Бугунги кунда халқ соғлиғини сақлаш соҳасида жорий даволаш ишлари билан бирга аҳолига профилактика хизмати кўрсатиш ҳам кенг ўрин олмоқда. Бу иш халқ каслахоналари зиммасига юклатилган. Бундай касалхоналарни ташкил этишга Корея Меҳнат партияси V съезднинг кўрсатмасига биноан 1970 йилда киришилди. Съезд ҳозирги вақтда ишлаб турган амбулатория ва тез ёрдам пунктлари негизида қишлоқ касалхоналари тармоғини ривожлантиришнинг кенг программасини белгилаб берди. Ўша пайтдан буён икки йилдан сал ортиқроқ вақт ўтди, бироқ бу программа муваффақиятли бажарилаётганлигини ҳозирок аниқ кўриш мумкин. Миналаб майда амбулаториялар қайта жиҳозланиб, касалхоналарга айлантирилди. Бу ишга айниқса район марказларидан олисдаги жойларда катта аҳамият берилди. Врачлар ва ўрта медицина ходимлари касалларни қабул қилишдан ташқари ҳар йили икки марта бутун аҳолини профилактика кўригидан ўтказмоқдалар.

28 йил мобайнида халқ Кореяси илғор медицина фанига ега бўлган мамлакатга айланди. Шу йилнинг май ойида Корея Халқ Демократик Республикаси БМТнинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига қабул қилинди.

Ф. ЛЕСКОВ,
АПН мухбири.
Пхеньян.

РЕАКЦИЯ КИРДИКОРЛАРИ БАРБОД ҚИЛИНСИН

С. АЛЬЕНДЕНИНГ АЙТГАНЛАРИ

САНТЬЯГО, 14 август. (ТАСС). Чили президенти Сальвадор Альенде кеча кечаси радио ва телевидение орқали сўзлаган нутқида барча чилиликларга мурожаат қилиб, ватан бошига қийин кунлар тушган ҳозирги пайтда ўз бурчларини ado этишга чақирди.

Президент юк машиналари эгалари бошлаган забастовкаларнинг ғайри қонуний ва қўпорувчилик характерини ва унинг миллий экономикага оғир оқибатлар келтирганлигини батафсил анализ қилди. Хомашё ва ёқилғи ташиб келтиришдаги қийинчиликлар сабабли корхоналарнинг 40 процентгача бўлган қисми ўз қувватининг 25 проценти даражасида ишламоқда, деди С. Альенде. Шу корхоналар орасида мамлакатнинг энг катта «Ианса» қанд заводи, сут саноати заводлари бор. Уруғлик ва ўғитлар ўз вақтида этиб борилмаганлиги орқасида баҳорги экин экиш тақлиқа остида турибди, деди президент. Балиқ хўжалигининг маҳсулоти нобуд бўлмоқда, республика экономикасининг энг асосий тармоғи — мис-руда саноати катта зарар кўрмоқда.

Забастовка билан бир қаторда террорчилик ва эўравонлик авж олдирилмоқда, деди С. Альенде. Ўта ўнг кучлар ғаламислиги сабабли чиққан можаролар натижасида одамлар қурбон бўлмоқдалар. «Бу — амалдаги фашизмдир», — деб таъкидлади президент.

С. Альенде транспортчилар бирлашмасининг бошлиқлари ҳақиқатда жанжали бартараф этишни истамай тобора янгиянги талабларни сурбетлик билан ўртага қўйётганликларини айтиб, айни вақтда энг муҳим юкларни мураккаб шароитларда ташиб бераётган юзлаб шоферларнинг ватанпарварлик ҳаракатларига, юк ортиш-туширишларида ишлаётган кўнгиллиларнинг, айниқса ёшларнинг меҳнатига, республиканинг кўпгина районларидаги темир йўллар ва кўприкларни қўриқлаб турган деҳқонларнинг қаҳрамонлигига юксак баҳо берди.

Ҳукумат фашистлар бошлаган террорни ва забастовкани тугатиш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўради, деб С. Альенде яна бир марта таъкидлади.

СУД МАЖЛИСИ

РАБОТ, 14 август. (ТАСС). Марокашдаги Кенитра шаҳрида 159 кишининг иши юзасидан суд мажлиси ўтказилмоқда. Улар давлат тўнтарини қилишга тайёргарлик кўришда ва қонунга зиддиятда қурол-ярог сақлашда айбланадилар. Ҳарбий трибуналда қироллик прокурори айбловчи нутқ сўзлаб, ўз 25 кишига ўлим жазоси, 30 кишига умрбод қамоқ жазоси беришни ва 31 айбланувчини турли муддатга қамашни талаб қилди. Қолган 73 судланувчи устидан прокурор ҳарбий трибуналга ўз ихтиёрига кўра ҳукм чиқаришни таклиф этди.

АВТОМОБИЛЬ ФАЛОКАТИ

НЬЮ-ЙОРК, 14 август. (ТАСС). Марҳум сенатор Роберт Кеннединнинг ўғли Жозеф Кеннеди бошқариб бораётган «Жип» автомашинаси 13 август куни ағдарилиб кетди. Массачусетс штатидаги Наинтакет оролида рўй берган шу фалокат натижасида Жозефнинг укаси Дэвид Кеннеди ва машинадаги икки қиз жароҳатланди.

Ахборот агентликларининг хабарига қараганда, Ж. Кеннеди устига автомобилни эътиборсизлик билан ҳайдади, деган айб қўйилган.

ЖАНУБИЙ ОСИЁДА СУВ ТОШҚИНИ

ДЕҲЛИ, 14 август. (ТАСС). Ҳиндистоннинг шимолий штатларида кучли сув тошқини давом этмоқда. Маҳаллий матбуотнинг таъкидлашича, Ўтар-Прадеш, Жамму ва Кашмир штатларида 106 киши ҳалок бўлган. Миллионга яқин аҳолиси бўлган юзлаб қишлоқлар табиий офатдан катта зарар кўрган. Кўп уйлар бузилиб, минг бош чорва моли нобуд бўлган.

Панжоб штатини ҳам сув босган. Бу штатда 10 минг киши бошпанасиз қолган. Юздан ортиқ қишлоқни сув ювиб кетган. Анчагина киши ҳалок бўлган.

Сув босган штатларнинг ҳукуматлари аҳолига ёрдам бериш учун шошилинч чоралар кўрмоқда. Ҳиндистон армиясининг бўлинмалари қутқарув ишларида қатнашмоқда.

ИСЛОМОБОД, 14 август. (ТАСС). Жала ёққанлиги сабабли жанубий Осиё қитъасидаги энг катта Инда дарёсидан мислсиз тошқин чиққан. Покистондаги сув тошқини хавфли тус олмоқда. Синда ва Панжоб вилоятларининг бир қанча районларини табиий офат қамраб олган. Бу вилоятнинг кўпгина шаҳарлари ўртасидаги темирйўл ва автомобиллар қатнови тўхтаб қолган. Телеграф ва телефон алоқалари издан чиққан. Бир қанча қишлоқлар хонавайрон бўлган. Юз минглаб аҳоли бошпанасиз қолган. Қурбонлар ҳам бор. Юз минг акр экинзорни сув босиб, ювиб кетган. Покистон ҳукумати даҳшатли сув тошқинига қарши кураш учун ҳарбий қисмларни кенг сафарбар қилмоқда.

ДАККА, 14 август. (ТАСС). Бангладешнинг шимолий қисмидаги Фаридпур районидаги сув тошқини катта зиён келтирди. Ундан ярим миллионга яқин киши азият чекди. Ганг ва Брахмапутра дарёларининг суви бироз пасайган бўлса ҳам, бироқ кичик дарёларнинг суви борган сари кўтарилиб бормоқда. Сув тошқини қўлами яқин кунлар ичида яна кучаяди, деб ҳисобламоқдалар.

Озодлик ороли билан мамлакатимизни боғлаб турувчи «кўприк»нинг иш бошлаганига анча йил бўлиб қолди. Қизил Байроқли кемалар Кубага турли хил машиналар, ускуна-анж о м л а р, ёқилғи етказиб берадилар. Бу ердан эса Совет Иттифоқ и г а қанд, тамаки ва бошқа маҳсулотлар олиб қайтишади.



Суратда: «Академик Филатов» совет кемаси Сантьяго-де-Куба портида.

В. ФЕСЕНКО фотоси, ТАСС фотохроникаси.



Диёримизнинг саҳий боғларида, полизларида етиштирилган ноз-неъматлар тошкентликларга пешма-пеш етказилиб турибди.

А. Абалян фотоси.

ДИЛРАБО ҚЎШИҚ ВА ҚУЙЛАР

Чиноз район маданият уйида бадиий ҳаваскорлик тўгараги ташкил этилди. Тўгаракнинг йигирмадан ортиқ аъзоси колхоз, совхозларда меҳнат қилаётганлар ҳузурида тез-тез концертлар бериб турибди. «Гулдаста» бадиий ҳаваскорлик тўгараги репертуарида ўзбек, қозоқ, татар, рус ва бошқа миллатларнинг қуй ва қўшиқлари ўрин олган.

Яқинда ансамблнинг бир группа ҳаваскорлари К. Маркс, «Қизил Октябрь», Киров номли колхозлар, «Партия XXIV съезди» совхозларининг дала шийпонларида бўлишиб, колхозчиларга ранг-баранг программада концерт беришди. Ансамбль ўз программасини бойитишга ҳам катта аҳамият бераётир. Улар Ўзбекистон ССРнинг 50 йиллигига атаб янги программа тайёрламоқдалар. Бу программада Ленин, партия ҳақида, Ўзбекистон ҳақида яратилган янги қуй, ва қўшиқлар киритилган. Маданият уйи қошида махсус агитбригада ҳам ташкил этилган. Бу агитбригада махсус программа билан навбатма-навбат колхоз, совхозларда бўлиб туришибди.

САНОАТЧИЛАР ТОРТИҒИ

Шу кунларда Абу Райҳон Беруний юбилейига тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Областимизнинг саноат корхоналари Беруний юбилейига атаб бир қанча совғалар тайёрламоқдалар. Саноатчилар сувенирида Беруний сиймоси, олим яшаган давр маданий ёдгорликлари акс эттирилган.

Ўрта Чирчиқ районидаги тикувчилик фабрикаси коллективи тайёрлаган буюмларда миллий буюмлар акс эттирилган.

Калинин район рўзғор буюмлар комбинати Беруний юбилейига атаб олим расми тушган лаган, қўлёзмалари, акс эттирилган бир қанча совғалар тайёрламоқда.

Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

БИЛИМ ЮРТЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

Муносиб ўринбосарлар тайёрловчи маскан деб ном олган ҳунар-техника билим юртларининг эртанги истиқбол порлоқ. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълимини янада такомиллаштиришга бағишланган қарорида истиқбол йўллари аниқ ва равшан кўрсатиб берилди.

Ўтган ўқув йили якунлари областимизда ҳунар-техника таълими янада такомиллашганлигини кўрсатиб турибди. Қўлга киритилган ютуқлар нималардан иборат? Янги ўқув йили режалари қандай?

Мухбиримиз Тошкент область ҳунар-техника таълими бошқармасининг бошлиғи В. П. Иванов билан ана шулар ҳақида суҳбатлашди.

— Маориф органларида янги ўқув йилини ҳар томонлама пухта тайёрлик билан кутиб олиш анъанавий ишга айланиб қолди,— дейди ўртоқ В. Иванов.— Областимиз ҳунар-техника билим юртларида ҳам биринчи сентябрга катта тараддуд кўрилмоқда.

Жонажон партиямизнинг тарихий XXIV съезди қарорида ҳунар-техника таълими олдига қўйилган вазифалар, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг янги қарори биз учун муҳим дастур бўлиб қолди. Ўтган ўқув йилида областимизда алоҳида ҳунар-техника таълими бошқармаси ташкил топди. Бу—қуйинчли ҳол, албатта. Эндиликда билим ўчоқларида таълим-тарбия ишларини янада яхшилаш, муносиб ўринбосарлар тайёрлашни кенг йўлга қўйиш имкониятига эгамиз. Айни бир вақтда ишлаб чиқариш билан алоқа тағин ҳам мустаҳкамланди.

Ўтган ўқув йилида бизда 24 та ҳунар-техника билим юрти иш олиб борди. Уларда етти мингга яқин йигит-қиз ҳунар ўрганди. Билим ўчоқлари халқ хўжалигига кўплаб муносиб кадрларни тайёрлаб бердилар. Буларнинг аксарияти ҳам билимдон, ҳам ўз ихтисослиги бўйича пухта амалий меҳнат кўникмасига эга бўлган ёшлардир.

— Малакали ўринбосарлар тайёрлаш борасида қандай тадбирлар амалга оширилди?

— Сизга айтсам, ҳунар-техника таълими олдига қўйилган асосий талаблардан бири ана шу! Шунинг учун ҳам ёшларга ўрта маълумот бериш билан бирга малакали касб эгалари тайёрлайдиган билим ўчоқлари тармоғи анча кенгайди. Бунга 3, 12, 50-шаҳар ва 15, 21-қишлоқ билим юртларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Беш йилликнинг охирига бориб биздаги билим юртлари сони 33 тага етади. Бу эса ҳар йили ўн мингдан ортиқ кадрларни меҳнат қучоғига йўллаш имконини беради. Шубҳасиз, бу борада малакали ўринбосарлар тайёрлашга даъват этилган билим ўчоқлари сони кўпаяди.

— Билим юртлари билан корхоналар ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида гапирсангиз?

— Бизда таълим ва меҳнат эгизак деган иборага доим амал қилинади. Ўз касб-корини севган ҳар бир киши ишлаб чиқариш билан яқиндан боғланганга каби ишчилар, колхозчиларнинг муносиб ўринбосарлари ҳисобланган ўсмирларни кўпинча амалий иш устида ўчратасиз. Масалан, Чирчиқдаги 13-ҳунар-техника билим юрти «Ўзбекхиммаш» заводи билан яқиндан алоқа боғлаган. Одатда ўринбосарларнинг амалий машғулотлари корхона цехларида олиб борилади. Цех бошлиқлари, мастерлар ўз тажрибаларини улар билан баҳам кўрадилар. Билим юрти ўқувчиларининг корхонада тайёрлаган дастгоҳи Москвадаги халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида муваффақиятли намойиш қилинди.

Ангрен шаҳридаги 3-билим юртида «энг яхши электрпайвандчи» деган ном олиш учун конкурс ўтказиб келинмоқда. Бу ерда «Кадрларимиз—фахримиз» деган фотостенд ҳам бор.

Шунисе қувончлики, мазкур билим юртида ҳунар ўрганган кишилар қадрдон даргоҳга келиб, ўринбосарлар билан қизғин суҳбатда бўладилар, меҳнат ютуқлари ҳақида гапириб, ўзларидан намуна олишга чақирадилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, кўмир разрезининг экскаватор машинисти Хўжа Алиқулов шу билим юртида ўқиб, ҳунар орттирган эди. Ўринбосарлар бу донгдор машинистнинг фойдали маслаҳатларидан бир неча бор баҳраманд бўлдилар.

Бу ўқув йилида ҳам яхши анъаналар давом этади. Таълим-тарбиянинг муваффақиятини таъминлаш учун бор имкониятлар ишга солинади. Ахир айтишади-ку, эски йилнинг ҳисоби янги йилнинг китоби деб!

Бошқармамиз иш бошлаганига бир йилча бўлиб қолди. Бу орада озми-кўпми тажриба орттирдик. Ютуқларни мустаҳкамлаш, олдимизда турган вазифаларни амалга ошириш — ҳунар-техника таълими ходимларининг, ҳаммамизнинг ишимиздир.

Янги ўқув йилига яхши совғалар ҳозирланди, билим юртлари капитал ва жорий ремонтдан чиқаришди. Қатор кабинет ва устаханалар қурилди ва жиҳозланди. Ўқишлар бошланишига ҳамма нарса тахт.

Билим юртларининг эшиклари Сиз муносиб ўринбосарлар учун ҳамиша кенг очиқ! Ҳунар-техника билим юртлари сизларни ўз бағрига чорлайди!

А. АЛИЕВ.

БЕРУНИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 1000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

АХЛОҚИЙ ТАЪЛИМОТ

Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккири Абу Райҳон Беруний том маънода энциклопедист олим эди. У астрономия, математика, физика, геология, тарих, фалсафа, филологияга оид бир қанча қимматли асарлар яратди.

Олимнинг фалсафий-ахлоқий қарашлари ҳам бебаҳо мерос сифатида катта илмий аҳамиятга моликдир. Тўғри, Беруний ўзининг фалсафий-ахлоқий қарашларига махсус рисолалар бағишламаган. Аммо, кўпгина асарларида унинг бу ҳақдаги қимматли фикрлари баён қилинди.

Беруний халқлар ўртасидаги дўстликни ва илмий ҳамкорликни юксак қадрлайди, уни энг инсоний ахлоқий сифат деб мақтади ва амалда кўрсатди ҳам. Бир неча йил Ҳиндистонда яшаган 45 ёшли олим қадимги ҳинд (санскрит) тилини ўрганади ва бу тилга Эвклиднинг «Элементлар», Птоломейнинг «Алмагест» асарларини таржима қилади. Қадимги юнон ва ўз даврининг илғор фалсафаси, табиий илмлари билан ҳинд олимларини таништирди, ўзи эса уларнинг илми, адабиёти, фалсафаси ва ахлоқини ўрганди. Бу ҳақда у шундай ёзди: «ўзимни... уларнинг мунажжимлари ҳузурида устоз ҳузурида турган шогирддек таъзим билан тутар эдим... Сўнг илмнинг ҳақиқий йўлларини уларга равшанлантирадиган бўлдим... уларнинг катталари мени ўз тиллари билан «дарё» деб мақтар эдилар».

Олим кишилараро муносабатларда олтин ва кумушнинг обрў ва эътибори сунъий бўлиб, инсонийлик пул-ақча билан ўлчанмаслигини шундай баён этади: «Олтин ва кумуш воситаси билан «халқларга ҳаёт ва маишатнинг қулфат ва машаққатлари» осон қилинди, кўнгилларда уни сақлашга ва кўпайтиришга ҳирс ва умидлари зўрайди. Шу билан олтин, кумуш шараф ва баҳода тутган ўринлари табиий суръатда эмас балки сунъий суръатда юксалди, чунки бу иккиси тош бўлиб, очликда тўйдиролмайди, ташналикда қондира олмайди, заррани даф қила олмайди, машаққатдан сақлай олмайди. Тўйдириш билан шахсни тиклаб, навни боқий қила олмайдиган ва пана ер тарзида сақланишига ёрдам бермайдиган ҳар бир нарса табъан мақтанарли эмас».

Олимнинг фикрича, кишилар учун дунёда турли ҳоллар бор. Бу маҳмуд (мақталувчи), яхшилик ва ёмонликдир. «Мақтанарли (яхши) ҳолларнинг қутби (марказ) мурувват (мардлик-эрлик) бўлиб, мурувватнинг таянчи поклик ва тозаликдир».

Фалсафа тарихида марксизм фалсафасигина ахлоқни ва умуман, ҳар қандай онг шаклини иқтимоий турмуш белгилашини, инсоннят тарихидаги даврлар бир-биридан ишлаб чиқариш усули орқали фарқланишини кўрсатиб, бу қарашларни илмий система ҳолида ишлаб чиқди. Берунийнинг фикрича, киши ахлоқий мукаммаликка эриша олади, ҳулқ ва одатлардаги нафсоний суръатларни нафс эгаси нафсни тозалаб, унга ахлоқий даъво қилса ва тадрижий суръатда ахлоқ китобларида зикр қилинган йўллар билан ундан (нафсдан) касалликни кетказса, нафсни ёмон ҳулқ ва одатлардан яхшига кўчирмоққа қодирдир. Инсоннинг ирода эркинлигини тан олиш олимнинг материалистик фикридир.

У инсоннинг ахлоқий комолотга эришувни таъкидлаш билангина чегараланиб қолмай, балки бундай интилишни талаб қилади ҳам. «Инсонга рўбарў бўлинганда, аввал кўзга ташланадиган нарса башараси ва суратининг кўринишидир. Инсон ўз суратини ўзгартиришдан ожиз бўлса ҳам, тилсиз ҳайвондан орқада қолишини истамаса, нафсни тозалашдан ожиз бўлмайди».

«Сурат ва қиёфанинг чиройлилиги маҳбуб ҳоллардирким, шу ҳолдаги кишига ҳар ким рағбат, қилади, покиза кийимлар кишида зоҳир ва равшан мурувват бўла олишини баён этади» деб, ахлоқий қарашларида инсон ўзига эътибор билан қараши ва гўзал бўлмоғи кераклигини уқтиради.

Олим келажакка катта ишонч билан қаради. «Мен шундай шараф кийимларини қўлга кирита олдимки, уларнинг хотираси ва ялтираши менинг қолдирган меросим каби келгусида йиллар ва насллар орқали давом этади» деб Беруний янглишмаган эди.

Берунийнинг баркамол ижоди илм-фан равнақида муҳим роль ўйнади. Унинг бой илмий мероси бизнинг давримизда ҳақиқий қадр-қимматини топди.

Я. ШЕРМУҲАМЕДОВ,
илмий ходим.

Тошкентнинг Ленин проспектидаги СССР халқлари адабиётлари билан савдо қилувчи китоб магазини харидорлар билан ҳамиша гавжум. Бу ерда социалистик мамлакатлар адабиётлари билан ҳам савдо қилинади.

М. Нуриддинов фотоси.

ҲУР РЕСПУБЛИКАЛАР БУЗИЛМАС ИТТИФОҚИ

Шу йил 10 сентябрдан 24 сентябргача Тошкентда V Бутуниттифоқ телевизион фильмлар фестивали бўлиб ўтади. Ўзбекистон телевиденеси фестиваль олдидан қатор кўрсатувлар уюштиради ва фестивал фильмларини намойиш этиб боради.

Шу ҳафтадан бошлаб «Ҳур республикалар бузилмас иттифоқи» рубрикаси остида қардош 15 республикадан келган тўла метражли, рангли фильмларни ўзбек тилида телетомошабинлар эътиборига ҳавола этиб борилади.

Бу фильмлар Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллиги муносабати билан яратилган бўлиб, халқларимиз ўртасида бузилмас дўстлик, қардошларча бирлик мадҳиялари тараннум этилади.

Қ. ҚАЮМОВ.

БИРИНЧИ КЎРГАЗМА

БИЛАСИЗМИ?

Ўзбекистонда биринчи кўргазма 1869 йилда ташкил этилган. Хўжанда ўша йили маҳаллий ҳунармандчиликка оид барча маҳсулотлар намойиш қилинган.

Маҳсулот сифатли ва зўр деб топилган ҳунармандлар ўзбекча ва русча ёзилган мақтов қоғозлари, совға тўнлари билан тақдирланганлар.

1870 йилда Тошкентда ҳунармандчилик буюмлари кўргазмаси кенг намойиш этилган. Кўргазма ғолиблари эндиликда фақат мақтов ёрлиқлари, тўнларгина эмас ва балки, олтин-кумуш медаллар ва пул мукофотлари билан ҳам тақдирланганлар.

Ўзбек ҳунармандчилик буюмларининг кенг намойиш этилиши уларга бўлган жамоатчилик қизиқишини оширган.

Тошкентлик ҳунармандлар ва деҳқонлар биринчи марта ўз маҳсулотлари намуналари билан 1878 йил июль ойида ўтказилган (4—14 июнь) қишлоқ хўжалик ва саноат кўргазмасида қатнашганлар. Тошкент кўргазмаси ўзбек ҳунармандларининг ажойиб санъатини, заҳматкаш деҳқонларнинг самарали меҳнатини кўрсатди. Ҳунармандчилик маҳсулотлари бўйича Муҳаммад Шокир, Мир Сафар кўргазманинг олтин медалларини, Уста Ҳаким, Уста Солиҳ ва Шокул ўғли кумуш медалларини қўлга киритишди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича эса тошкентлик боғбонлар Тошмуҳаммад, Эшон Хўжамов, асаларичи Мирзоҳид Маҳсумов кумуш медаль ва фахрий тўнлар билан тақдирланганлар.

Революциядан илгари Туркистон ўлкаси таркибида бўлган Ўзбекистон қўлида кўргазмаларда чор Россияси составида иштирок этган ўзбек деҳқонлари — дала захматкашлари етиштирган мева, сабзавот ва турли-туман экинлар намуналари, боғдорчилик, узумчилик маҳсулотлари, қўлн гул ҳунармандлар, турли-туман касб эгалари ишлаган зеб-зинат буюмлари, пойафзал, кийим-кечаклар ва ўлка маданиятига оид буюмлар Россия кўргазмаларида намойиш этилган. 1872 йилда Москвадаги Умумроссия Политехника, 1882 йили Москванинг Умумроссия бадиий-саноат, 1893 йилги Петербург, 1896 йили Нижний Новгород кўргазмасида Туркистон бўлими муносиб ўрин эгаллаган. 1891 йили Москвада махсус Ўрта Осиё кўргазмаси уюштирилган. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, саноати, маданияти, намуналари 1896 йили Чикагодаги (АҚШ), 1900 йили Париждаги (Франция), 1904 йили Сан-Луидаги (АҚШ), 1906 йилда Миландаги Жаҳон виставкаларида намойиш этилиб, диққатга сазовор бўлган.

СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆

«Чарм тўп» клуби совғини учун мусобақалар қизиқарли ўтмоқда. Суратда: Белоруссия ССР Витебск шаҳрининг «Дружба» ва Жиззах шаҳрининг «Восход» командалари учрашуви пайти. Бу ўйин ўзбекистонлик ёш футболчилар фойдасига 5:1 ҳисобида тугади. Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ).

«АРАРАТ» ФИНАЛДА

Совет Иттифоқи чемпионатининг пешқадами «Арарат» футболчилари СССР кубогининг финалига чиқдилар. Улар «Днепр» (Днепропетровск) билан бўлган иккинчи ярим финал ўйинини ҳам ўз фойдаларига ҳал қилдилар. Ереванда бўлган бу ўйинда биринчи учрашувдагидек 1:0 ҳисоби қайд қилинди. Тўпни Маркаров киритди. «Арарат»нинг биллур совғни учун курашдаги рақиби Москва ва Киев динамочилари ўртасидаги икки учрашувдан сўнг маълум бўлади.

УЧ УРИНГА ОЛТИ ДАЪВОГАР

Бразилияда ўтаётган зоналараро шахмат турнири тугашига икки тур қолди. Охирги учрашувлар олдидан жаҳон чемпионлиги учун курашни давом эттириш ҳуқуқини берувчи уч йўлланмага олти даъвогар бор. Биринчи ўринда бораётган Портиш 11 очко, иккинчи ўринда бораётган Мекинг 10 очко тўплади. Бразилиялик шахматчининг тугалланмай қолган бир ўйини ҳам бор. Чехословакиялик Горт 9,5 очкога эга. Улардан кейин совет гроссмейстерлари Геллер — 9 (2), Полугаевский — 9 (1) ва Смислов — 8, 5 (1) очко билан бормоқдалар.

КЛУБ ЧЕМПИОНИ

Тошкентда Ўзбекистон ССР марказий шахмат клубининг очиқ чемпионати ўтказилди. Турнирда Тошкент шаҳри, Ўзбекистон областлари ва Қозоғистондан 90 шахматчи иштирок этди.

Биринчи ўринни 10 имкониятдан 9 очко олган мастер И. Бирбрагер эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринларни мастер Е. Мухин билан мастерликка номзод С. Пинчук бўлишиб олдилар. Улар ҳар иккалови 8,5 тадан очко жамлашди. Турнирнинг уч ғолиби шу йил кузда Ўзбекистоннинг биринчи чемпиони Азмиддин Хўжаев хотираси учун ўтказиладиган мусобақада қатнашадилар.

Тўртинчи ва бешинчи ўринлар мастерликка номзодлар 18 ёшлик А. Мавлонов билан Я. Норкинга насиб этди. Улар Тошкент биринчилигининг финалида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Турнирнинг беш ғолиби ҳам тошкентлик шахматчилар эканлигини таъкидлаш лозим.

Л. АЛЕКСАНДРОВ.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — «Мардлик-мангулик». 19.05 — Соғлом танда — соғ ақл. 19.20 — Концерт. 19.50 — Ахборот. 20.05 — Шеърият муҳлисларига. 20.15 — Ахборот. 20.35 — Пахта теримига ҳамма нарса тахтми? 20.50 — Ёш ижрочилар концерти. 21.40 — **Совет Қозоғистони** (телефильм). 22.45 — «ВАҚТ». 23.15 — Бадиий фильм. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Мультфильм. 11.20 — Телефильм. 11.45 — **Партизан учқуни** (бадиий фильм). 18.30 — МОСКВА. 19.15 — Телефильм. 20.30 — «Универсиада-73». 20.45 — Жанговар постда (Тошкент). 23.15 — «Универсиада-73». УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.35 — Классик музика саҳифаларида. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 21.05 — **Садоқат синови** (бадиий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/VIII да **Имон**, 18/VIII да **Олтин девор**, 19/VIII да **Самандар**.

КИНО

Иродали қиз — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда, кундуз эа кечкурун).

Уз ҳоҳиши билан — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (20.00, 22.00).

Бахтли кема командири — ҲАМЗА номли (17.00, 19.00, 21.00).

Жодугар — «МОСКВА» (10.00, 11.45, 18.30, 20.30).

Килиманжаро қорлари — «ВОСТОК» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 21.45).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

Абу Райҳон Беруний туғилган кунининг 1000 йиллигига бағишланади

ТЕЗ КУНДА
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
Ўзбекистон халқ шоири
УЙҒУН.
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ
(2 пардали драма)

Саҳнага қўйиш режиссёрлар — СССР халқ артисти, СССР давлат ва Ҳамза номли Ўзбекистон ССР давлат мукофотлари лауреати О. ХУЖАЕВ ва Б. ЙУЛДОШЕВ.

Режиссёр ассистентлари — М. АЗИМОВ, Е. САЪДИЕВ.

Рассом — Г. БРИМ.

СПЕКТАКЛДА: Ўзбекистон ССР халқ артистлари З. МУХАМАДЖОНОВ, Х. НАРИМОНОВ, Ж. ТОЖИЕВ, М. УМАРХУЖАЕВ, О. ҲАСАНОВ;

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: Р. ИБРОҲИМОВА, С. НОРБОЕВА, Т. АЗИЗОВ, Е. АҲМЕДОВ, М. ОРИПОВ, Т. ХОНТУРАЕВ, Х. ЮНУСОВ, О. ЮНУСОВ, Р. ЕҚУБОВ ва бошқалар қатнашадилар.

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА
(Йшил театрида)
МАРҒИЛОН ШАҲАР НУРХОН НОМИДАГИ ХАЛҚ ТЕАТРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

17 АВГУСТДА
М. Исмоилий
«ФАРҒОНА ТОНГ ОТГУНЧА»
(3 парда 9-кўринишли)

18, 19 АВГУСТДА
КАТТА КОНЦЕРТ

Қатнашадилар: Солист: Искандар ҚАЛАНДАРОВ;

«МАРҲАБО ТАЛАНТЛАР» телевизион фестиваль лауреатлари: Санобар КАРИМОВА, Ҳакимжон ҚУРБОНОВ;

хушовоз лирик хонандалар: республика ёшлар фестивалининг лауреатлари: Ҳалима ҲОЛБОБОЕВА, Дилоромхон ЗОКИРОВА, Фозилжон ҚУЧҚОРОВ, Тамарахоним ШАРИПОВА;

Ҳажвия ва аскияларда: Зайнобиддин ЮСУПОВ, Мелиқўзи ТОЖИБОЕВ, Тошпўлат ҒУЛОМОВ ва бошқалар.

Спектакль ва концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

С. П. ГОРБУНОВ НОМИДАГИ ЗАВОДГА

Тошкент шаҳридаги Граждан авиациясининг 243-заводи базасида «ИЛ-62» самолётларини тузатиш бўйича парчинловчилар ва слесарлар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64633.
Р—03599